



# ISHONCH

**ОЛИЙ БАХТ**

Газета 1991 йил  
21 мартдан чиқа бошлаган

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ**

2006 йил 25 феврал, шанба № 33 (2082)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини сайлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86- моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Илгизар Матёкубович Собиров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Раиси ўринбосари

**Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 24 феврал

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини лавозимидан озод этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86- моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Мурот Шарифхўжаев саломатлигига кўра ўз аризасига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Раиси ўринбосари

**Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 24 феврал

**4-бет**

**ДИҚҚАТ,  
РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ!**



*Биздан сўраган эдингиз*

**ИШ ВАҚТИ  
ҲИСОБИ**

**9-бет**

**ИССИҚХОНА  
ЭГАСИ КИМ?**



**5-8-бетлар**

*Руҳият ва биз*

**УЙҚУДА  
ҚАНДАЙ  
ЁТАСИЗ?**



**11-бет**  
**СКАНВОРД**

**Ҳангоналар**

**10-бет**

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

**24 феврал куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси иш бошлади.**

**Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.**

Йиғилиш кун тартибига киритилган Сенат раиси ҳақидаги масала бўйича давлатимиз раҳбари ўз фикрини билдириб, қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Олий Мажлис юқори палатасининг 2005 йил 27 январдаги мажлисида Мурот Шарифхўжаев Сенат раиси этиб сайланган эди. М.Шарифхўжаев Сенат раиси сифатида мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Лекин унинг саломатлиги бу лавозимда ўз имкониятларини тўла намоён этиш имконини бермади.

Ана шу сабабларга кўра, М.Шарифхўжаев Сенат раиси лавозимидан озод этиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Мажлисида М.Шарифхўжаевнинг аризасини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов томонидан Сенат раислигига номзод тўғрисидаги масала кўриб чиқиш учун Сенат аъзолари муҳокамасига қўйилди.

Албатта, бу лавозимга тавсия этиладиган номзод ҳаётий ва профессионал нуқтаи назардан етарлича тажриба орттирган, ташкилотчилик қобилиятига эга, атрофдагиларнинг эътирофи ва хурматини қозонган бўлиши лозим.

Айни пайтда у депутатлик фаолияти тажрибасига эга бўлиши, парламент фаолиятининг хусусиятларини, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги ишининг моҳияти ва мақсадларини яхши англаши даркор.

Сенатни ташкил этиш ҳақидаги қонун талабларига риоя қилган ҳолда, шуни айтиш зарурки, ушбу лавозимга номзод айни вақтда мамлакатимизнинг ҳам маҳаллий, ҳам марказий идоралари фаолияти билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув ва хўжалик юритиш тизимининг республика ва маҳаллий тузилмалари ҳал этиш лозим бўлган масалалар ҳақида аниқ хабардор ва тасаввурга эга бўлиши ишни самарали ташкил қилишда катта аҳамият касб этади, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз, ана шундай мезон ва талабларни ҳисобга олган ҳолда, Сенат раиси лавозимига Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётган Илгизар Собиров номзодини тавсия этди.

Илгизар Матёкубович Собиров 1959 йил 20 февралда Хоразм вилояти, Қўшқўпир туманининг Ўртаёп қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек, олий маълумотли. 1986 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Юридик фанлар номзоди. Меҳнат фаолиятини Қўшқўпир туманидаги жамоа хўжалиги аъзоларидан бошлаган. 1980 йилда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган. Университетни тугатгач, 1986-1994 йилларда педагогик фаолият ва илмий иш билан шуғулланган, Тошкент юридик институтининг жиноят ҳуқуқи ва криминалистика кафедрасида ўқитувчи, проректор, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим, илмий котиб лавозимларида ишлаган. Олий судда, сўнгра Олий

хўжалик судида пленум котиби, Олий хўжалик судининг аъзоси бўлган, Хоразм вилояти адлия бошқармасига раҳбарлик қилган. 2000-2003 йилларда Иккинчи чакриқ Олий Мажлис депутатлигига сайланган, Мудофаа ва ҳавфсизлик қўмитаси раисининг ўринбосари, кейин эса Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмита раиси вазифаларида хизмат қилган. 2003-2005 йилларда Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани ҳокими бўлиб ишлаган. 2005 йилда Сенат аъзолигига сайланган.

Ушбу масала бўйича бўлиб ўтган муҳокамада сенаторлар - Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, «Анджонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари Ё.Одилов, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори В.Пак, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев сўзга чиқиб, И.Собиров номзодини қўллаб-қувватладилар.

Мажлисида И.Собировни Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов ўтган давр мобайнида Сенат фаолиятида эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд муаммолар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, парламентимизнинг юқори палатаси олдида турган устувор мақсад ва вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Қуйида ана шу нутқ матни эълон қилинмоқда.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Сенат фаолияти хусусидаги ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Сенатимиз иш бошлаганидан буён ролпа-роса бир йил ўтмоқда. Албатта, ўтган вақт Сенат фаолиятига қатъий баҳо бериш учун катта мuddат эмас. Лекин, шундай бўлса ҳам, ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон бор, деб ўйлайман.

Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, Сенат фаолиятини йўлга қўйиш нисбатан қисқа ташкилий даврда амалга оширилди. Раҳбарият таркибини сайлаш, ижро тузилмалари, қўмиталар ва комиссиялар фаолиятини, ишчи аппаратини шакллантириш, турли таҳлилий гуруҳлар ишини ташкил этиш билан боғлиқ жиддий ва масъулиятли масалалар узоққа чўзилмасдан тез мuddат ичида ҳал этилди, бу борада катта сафарбарлик кўрсатилди.

Энг асосийси - Сенат ўзининг амалий фаолиятида дастлабки кунларданок ўз профессионал қобилиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш этди, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Хеч муболағасиз айтиш мум-

кинки, Сенат қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Конституциямизга киритилган янги ўзгаришлар ва қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ ташкил этилган бу тузилма ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир қарра исботлади. Сенатнинг ўтган даврдаги фаолияти бу ҳақиқатни тўла-тўқис тасдиқлади.

Мен ҳозир Сенатнинг кўпқиррали фаолияти билан боғлиқ барча масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, менинг қарашим бўйича, унинг фаолиятига доир энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган вақт мобайнида Сенат ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқди ва маъқулади.

Бу борада қуйидаги мисол алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди.

Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўника ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради. Ва шундай мисоллар мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганини яна бир бор намойиш этади.

Сенат томонидан Бош вазирни ва Бош прокурорни тасдиқлаш, Конституциявий суд, Олий ва Олий хўжалик судларини шакллантириш бўйича қабул қилинган муҳим қарорларни аввало Сенат, қолаверса, мамлакатимиз ҳокимият тизимининг мустақил қонунчилик идораси бўлиши парламентимиз - Олий Мажлисимиз ваколатларининг амалий жиҳатдан кенгайгани ва ҳуқуқлари анча ошганининг тасдиғи сифатида қайд этиш лозим.

Юқори палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясини кўриб чиқиб, мамлакат Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги актни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод этиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилди.

Маълумки, мазкур ваколатлар илгари давлат раҳбарига тегишли эди, энди улар мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи томонидан амалга оширилмоқда. Айни пайтда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Сенатга мамлакатимизнинг турли минтақаларида яшайдиган фуқаролардан 700 дан ортиқ хат ва аризалар тушди ва бу мурожаатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сенат - мамлакатнинг Олий Қонунчилик органи, Олий Мажлисининг юқори палатаси сифатида шаклланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, мухтарам Сенат аъзоларига юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида қиладиган меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Шу билан бирга, бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

**Биринчидан.** Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шуни очиқ тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминламаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой- жойига қўймаганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуни назарда тутиш керакки, Сенат вакиллик органи бўлиб, сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланади ва улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзолигига сайланган.

Бошқача айтганда, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Яна бир бор такрорлаш лозим - маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан нафақат алоқа, нафақат ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик ҳам ҳали- бери шаклланмаган.

Сенат кенгаши томонидан 2005 йилнинг 21 ноябрида, яъни Сенат ташкил этилганидан сўнг деярли бир йил ўтгач, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик ҳаракатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси» тасдиқланган эди. Лекин атиги 9 банддан иборат бўлган бу ҳужжат талаблари ҳам ниҳоятда қоникарсиз бажарилмоқда.

**Иккинчидан.** Маълумки, Сенатнинг мутлақ ваколатига кирадиган ўта муҳим масалалар бор. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80- моддасига кўра Сенатга берилган бу ваколатдан ҳам ҳисобот даврида етарли даражада фойдаланилмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинмасдан, тегишли хулосалар чиқарилмасдан, айтиш мумкинки, юзаки кўрилган. Сенат ва Сенат аъзоларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Бу ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, шу соҳаларда иқтисодий ислохотларни тўғри

йўлга қўйиш борасида мавжуд бўлган жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонларга, шу идораларнинг масъулиятини ошириш масаласига керакли эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, аввало ҳудуд ва минтақаларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини ошириш, юртимизда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар, масалан, ишсизлик муаммосини муҳокама қилиш юзасидан Сенат томонидан ташаббуслар сезилмаяпти.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янгича ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар - қонунлар, жинорий жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда.

Кўряписизки, бу соҳада муҳокама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар етарли. Лекин, шунга қарамасдан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи 2006 йилга кўчирилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат қўмиталари бор-йўғи иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси муҳокама этилган, холос.

**Учинчидан.** Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра суҳбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳокама жиддий тайёргарликсиз, кўрилган масала бўйича амалий тақлифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Қўпинча бундай тадбирларда муҳокама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол ва тақлифларни такрорлашдан нарига ўтилмаяпти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда гоят долзарб мавзулар кўтарилди, лекин, афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий тақлифлар ўртага ташланмапти.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра суҳбатлари кўзланган мақсадларга хизмат қилмаяпти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улардан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-қоида қабул қилинган. Яъни, бундай муҳокама ва семинарлар фақат маълумот бериш, мавжуд фактларни

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

қайд этиш билан чекланмаслиги, аксинча, бу муҳокамалар пировард натижада зарур қонунчилик таклифларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

**Тўртинчидан.** Сенат назорат фаолиятининг самарадорлиги, парламент назоратининг таъсирчанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда бу ишларни Қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилмаётгани натижада назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такрорлаш ва ортиқча куч сарф қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

**Бешинчидан.** Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини, аввало, қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа - ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шунга яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича келишув комиссиялари доирасида баҳс-муноза-

ралар олиб бориши кимгадир галати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига тегмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида келиб чиқадиган баҳс ва мунозараларни иш тартибида ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида яқинда қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Бугунги йиғилишимизда Олий Мажлисимизнинг юқори палатаси бўлмиш Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чуқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти яқунларини кўриб чиқиш масаласи ушбу ялпи мажлис кун тартибига киритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, муҳтарам сенаторлар, бу масалани муҳокама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофлича чуқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган сайловчиларингиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб олишингиз, ўйламанки, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз дўстлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида кечириётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз - марказда ёки узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, корхона, ташкилот ёки хўжаликларда бўлади-

ми - юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамокда.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги кунга учун катта умид ва ишонч тўғдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан яқунлаганимиз сизларга яхши маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга оширилаётган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншооллох, ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳолимизнинг кундалик ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз - бу иқтисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўладими, янги-янги иш ўринларини яратиш, шунинг ҳисобидан одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш, таъминотини яхшилаш, ҳар қайси инсонга Оллох берган ақл-заковат, куч-қувват ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда имконият яратиш бўладими - буларнинг барча-барчаси ана шундай ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу борада биздан, яъни қонун чиқарувчилардан нима талаб қилинади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда аввало амалдор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳибби ёки ташаббускор ишбилармонми - ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қонун ва юридик нормалар-

ни амалда татбиқ этишда, мана шу жараёни жиловлаб, қўлга олиб қаттиқ назорат ўтказишда бош-қош бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади.

Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш - бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлисимизнинг қуйи - Қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Сиз, муҳтарам Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар халқ ноибларининг вакиллари бўлиб, юксак ваколат соҳибби сифатида, ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши биладиган инсонлар сифатида бу масалаларга катта масъулият билан қарашингиз талаб қилинади.

Ишонаманки, шундай юксак ишончга сазовор бўлган сиз, муҳтарам сенаторлар ўз масъулиятингизни ҳар томонлама чуқур англаб, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг умиди, орзу-нигиларини амалга оширишда ўзингизни аямай хизмат қиласиз.

Шу йўлда барчангизга сihat-саломатлик, муваффақият ва омадлар тилайман.

\*\*\*  
Кун тартибига мувофиқ юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юқори палата томонидан атрофлича муҳока-

ма қилинганидан сўнг ушбу масала бўйича қарор тайёрлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Сенаторлар «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Ушбу қонунда кўзда тутилган мақсад банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, автоматлаштирилган банк тизимидаги ахборотни рухсатсиз олиш, нусха кўчириш ва автоматлаштирилган банк тизимида бошқа шакллarda аралашувдан муҳофаза қилишдан иборат. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомилларини тартибга солишга, мажбурий тартибда сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар ва хизмат турларини камайитиришга қаратилган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун, шунингдек, истеъмол кредити берадиган ташкилотлар ва ўз фаолияти натижаларидан даромад оладиган жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни кўзда тутадиган «Истеъмол кредити тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунини маъқулланди.

Сенаторлар томонидан илгари Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида қайтарилган «Ўй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»-ги қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида парламентнинг ҳар иккала палатаси аъзоларидан тенг асосда келишув комиссияси тузилган эди. Мазкур қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Сенат 2006 йилнинг 25 февралда ўз ишини давом эттиради.



## ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Қашқадарё вилояти Чирокчи туман марказий шифохонасида ўз касбининг фидойиси бўлган кўплаб малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Ана шундай фидойи, жонкуяр, ажойиб инсонлардан бири шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири Маҳмуд Галаевдир.

Мана бир неча йилдирки, эл саломатлиги йўлида сама-

рали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзининг ширинсуханлиги, камтаринлиги билан жамоа орасида ҳурмат қозонган. У доимо шогирдларидан ўз билим ва тажрибаларини аямайди.

**Суратда: Олий тоифали шифокор (чапдан иккинчи) Маҳмуд Галаев шогирдлари билан.**

**А.АЛЛАМУРОВ**  
олган сурат

## МАҲАЛЛАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Кўқон шаҳридаги 65 та маҳаллада Наврўз байрами олдида катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ибрatли маҳаллалардан бири Қаландархонада 3 минг 200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳлининг саъй-ҳаракати билан кўчалар янада обод ва кўркамлашиб борапти. Яқинда маҳалла хонадонлари марказий газ, ичимлик суви ва канализация тармоқларига уланди.

Маҳаллада барча маросим ва тадбирлар ихчам ва нобудгарчиликсиз ўтказиб келинаётир. Ҳар бир ҳашарда каттаю кичик бирдек иштирок этади. Хайрли ишларда ҳомийларнинг ёрдами ҳам катта бўлмоқда. Кўқон сервис ва тадбиркорлик коллежи, Кўқон суперфосфат заводи, «2-Пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятлари ҳиммати баланд жамоалар эканини кўрсатмоқда.

Маҳалладаги кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш маҳалла аҳли учун яхши одатга айланган.

## ЯПОНИЯДА МАРФИЛОН ШАҲРИ ТАҚДИМОТИ

**Япониянинг Маебaши шаҳрида Марказий Осиё халқлари тарихи кўргазмаси доирасида Марғилон шаҳри маданий мероси тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва Гунма префектурасидаги Евроосий марказий клуби томонидан ташкил этилди.**

Маълумки, келгуси йилда дунё фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Айниқса, буюк олимлар Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғинонийлар номи шаҳарга катта шўҳрат келтирган.

Тақдимот маросимида Марғилоннинг машҳур атлас ва адреси, турли сопол-идишлари ва бошқа халқ амалий хунармандчилик санъати асарлари намуналари кенг намойиш этилди. Фарғоналик уста Алишер Нази-

ровнинг кулолчилик маҳорати меҳмонлар таҳсинига сазовор бўлди. Япониянинг "NHK" телекомпанияси томонидан суратга олинган "Атласларда орзулар жилоси" фильми йиғилганларга мафтункор атласнинг яратилиш тарихи, тайёрланиш технологияси тўғрисида ҳикоя қилди.

Тадбирда сўзга чиққан "Yamato C&A systems" компанияси президенти Д.Кавахара халқларимизни кўп муштарак жиҳатлар боғлаб тургани, Марғилон ва Маебaши нафақат катта тарихий меросга, балки кўплаб таниқли халқ хунармандчилик марказларига ҳам эгаллигини таъкидлади. Бу эса икки шаҳар аҳолиси ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик ўрнатишга умид бағишлайди, дея қайд этди компания президенти.

**Акмал КҮЧҚОРОВ,**  
«Жаҳон» АА муҳбири  
Токио

## Диққат, танлов!

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҲАМДА «ИШОНЧ» ВА «ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи ҳисобот давридаги фаолиятга танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ёндошиб, асосий эътиборни галдаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратди. Хусусан, бошланғич ташкилотлар жанговорлигини ошириш, ташкилотчилик ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб, аъзолар сонини имкон қадар кўпайтиришга эришиш, касабакўм раислари, фаолларнинг давр талабига монанд равишда ишлашини таъминлаш, расмиятчилик, мурасасозликка барҳам бериш каби долзарб масалалар атрофида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бинобарин, касабаси уюшмаларининг фаолият кўлами фоят кенг ва серқирра. Энг кўп сонли аъзоларни ўзида жамулжам қилган жамоат ташкилоти таъсир кучи сезилмаган на бир худуд ва на бир қалб бор. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари касабаси уюшмаларига яқин ва бевосита алоқадор. У иш ҳақи бўладими, у кам таъминланган оиллага кўмак бўладими ёхуд адолат истаб, ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришни сўраб қилинган арзнома бўладими, барча-барчаси касабаси уюшмалари фаолиятига оид, унинг аралашувини тақозо этадиган жараён ҳисобланади.

Касабаси уюшмалари «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори остида фаолият кўрсатиши бежизга эмас. Биз ҳам мазкур танловга ушбу шиорни пешлашга қилиб олишга жазм этдик.

### Танловни ўтказиш қоидалари

Танловга жорий йилнинг 1 мартдан 1 декабригача чоп этиладиган ижодий ишлар — мақолалар, очерк ва лавҳалар, фоторепортажлар қабул қилинади.

Танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар учун ҳамда касабаси уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатаётган касабаси уюшма ходимлари учун алоҳида-алоҳида ўтказилади.

Тақдим этилган материаллар икки қатор оралиғида, икки нусхада, босма ҳолда 4 — 8 саҳифадан иборат бўлиши керак.

Тақдим этилган ижодий ишларга «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловига дейилган белги қўйилиши шарт. Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, манзили, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

### Танловни ўтказиш тартиби

Ғолибларни аниқлашда иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёзиш жараёнида ҳолислик, касабаси уюшмалари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мавзунини очиб бериш, аниқ манбага асосланганлик, ўзига хослик ва ижодий маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

### Танлов якуни

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги арафасида эълон қилинади.

## ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

### I Профессионал журналистлар учун:

1-ўрин — 1 та совға — 250 минг сўм  
2-ўрин — 2 та совға — 150 минг сўмдан  
3-ўрин — 3 та совға — 100 минг сўмдан

### II Ижодкор касабаси уюшма фаоллари учун:

1-ўрин — 1 та совға — 150 минг сўм  
2-ўрин — 2 та совға — 100 минг сўмдан  
3-ўрин — 3 та совға — 75 минг сўмдан

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
«Ишонч» ва «Ишонч — Доверие» газеталари тахририяти.

## КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш» лойиҳаси доирасида мамлакатимиз тугруқоналарига БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан замонавий ускуналарни тақдим қилиш маросими бўлиб ўтди. Лойиҳа доирасида умумий қиймати 15 минг АҚШ долларини ташкил этувчи 50 тўплам ускуна тугруқоналарга тақдим этилди.

ЮНИСЕФ томонидан берилган ускуналар Тошкентдаги тугруқоналар, перинатал марказлар ҳамда тугруқона мажмуалари орасида тақсимланиб, тирик ҳамда нобуд ҳолдаги туғилишларнинг халқаро мезонларини татбиқ этишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Халқаро мезонларнинг татбиқ этилиши республика болалари орасидаги экстремал ҳолатлар ва касалликларни амалда камайтириш учун асос яратади.

«Жаҳон» АА

Янгийўл туманидаги «Ўзбек-кэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Куйи Бўзсув каскади» унитар корхонасида меҳнат муҳофазасига дахлдор қоидаларга риоя этиш, касб маҳоратини ошириш маъмурият ва касабаси уюшма таш-

килоти эътиборида. Бу масалага вақт ҳам, маблағ ҳам чегараланмайди. Ҳар бир нурчи кайфияти, ишга муносабати, саломатлиги ҳар куни назоратдан ўтказилган асосий вазифани бажаришга йўлланиши доимий аънамага айланган.



Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида ўтган йили истеъмолчиларга 209 миллион 100 минг КВт/соат электр энергияси етказиб берган жамоа нурчилари айни пайтда аҳоли хонадонлари, давлат ва жамоат корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун бор куч-имкониятларини аямаяптилар.

Суратларда: корхона ишчи-хизматчилари иш фаолиятидан лавҳалар.

Акмал ХУДОЁРОВ  
олган суратлар.

## Касабаси уюшма жонкуярлари

**Мен бу дилкаш, одамоҳун инсон билан у ҳар гал Нуротага келганида учрашишни канда қилмайман. У қадим Нурота тарихини яхши билади, шу заминнинг ажойиб фарзандлари амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари ҳақида соатлаб ҳикоя қилишдан эринмайди. Бир гал нафақадаги чинакам таълим фидойиларини, тумандан халқ таълими бўлимига қарийб ўттиз йил раҳбарлик қилган, марҳум Очил Наврўзовни ҳам шу ерда ташкил этилган бир пиёла чой устида учратганман. Бу таълим фидойисининг кенг феъллиги, синчковлиги, мард ва тантилигини одамлар баъзан сал мутойиба билан ҳам эслашади.**

У пайтлар кунчиқишдаги — юз километр олисдаги Қўшработ тумани бўлмаган, Оқтов ва Қоратов оралиғида кенгликлар Нурота номи билан аталган. Шундай қилиб денг август ойининг ўрталарида қўлида университет йўлланмаси бўлган йигит Очил ака хузурига кириб келади. У, албатта, ўзи туғилиб ўсган қишлоғига яқин жойга ишга боришни истади-ю буни ошқора айтолмади. Очил акага эса унинг ўй-хаёлларида нималар акс этаётгани беш қўлдай маълум. «Ҳозирга ишга борасанми?» дейди у Нуротадан кун ботишда — ўттиз километр олислиқдаги тескари томонни кўрсатиб. Ёш муаллим жон ҳолатда бош чайқайди: «Йўқ». Очил ака унга раҳми келгандек ўйлаиб қолади. Кейин «Қизилчага борасанми?» дейди аста. Йигитнинг баттар капалаги учиб кетади. Қизилча деганимиз Айдаркўл бўйида — Қўшработдан бир юз етмиш километр олисда-я.

## ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

Очил ака йигит чехрасидаги зўриқиш ифодасини кўрса ҳам ўзини кўрмаганга, гўлликка солади, жой номларини санашда давом этади: «Мозорга борасанми?» дейди Нурота шаҳридан нари борса уч-тўрт чақирим олислиқдаги қишлоқ номини айтиб. Бундай қишлоқ борлигини аввал эшитмаган, уни кўчма маънода тушунган йигит бирдан портлайди: «Мозоргами, э...»

Даврада қаҳқаҳа овози янграйди. Қарияларнинг дона-дона қилиб сўзлаган ҳикояларидан биламанки, тоғ оралиғида халқ таълимини шакллантириш осон кечмаган. Аввал Нуротада, кейин Жўшда, Қўшработда ва бошқа жойларда дастлабки мактаблар очилган. Болалар олис қишлоқ ва овуллардан қатнаб ўқиган. Уларнинг ёзнинг жазирама иссиғида терлаб-пишиб, баҳор ва қишда юпун кийимда лой ва қор кечиб илм олишга интилганининг ўзи жасорат.

Бугунги ёшларга ҳавасинг келади. Ҳозир биргина Нурота туманининг ўзида 55 та умумтаълим мактаблари, 23 та мактабгача таълим муассасалари, 7 та интернат, 2 та лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 18743 нафар ўқувчи гўзал биноларда, кенг ва шинам синф хоналарида билим олишмоқда. «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Болаларни мактабга тайёрлаш истиқбол дастури» яратилди. Ҳозирги кунда 2227 нафар мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган, оилада тарбияланаётган болалар турли ноанъанавий, жумладан 40 нафари шанба-якшанба гуруҳларида, 167 нафари мактаб қошидаги тайёрлов гуруҳларида илк сабоқни олишмоқда.

Туман бўйича 470 нафар ногирон болаларнинг 323 нафари умумтаълим мактабларида, 25 нафари касаллигига кўра уйда якка тартибда ўқитилмоқда. Уларга 65 нафар малакали ўқитувчи ва мураббийлар бирқитилган бўлиб, дарслик ва ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланган.

Касабаси уюшма деганлари одамлар ташвиши билан яшаш экан. Зотан Қаҳҳор Раҳмонов ташвишсиз ўтган кунни кун қаторига қўшмайдиганлар сирасидан. Ҳар куни бир хайрли ишга бош бўлма-са кўнгли тинчимайди. Гоҳ беморлар аҳолидан бирров хабар олса, гоҳ болалар ўртасидаги спорт мусобақаларида ўралашиб юрадимиёй. Уни яхши билганлар университетни математика ихтисоси бўйича тугатиб дастлаб шаҳардаги 3-мактабда ўқитувчи, 1-мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори бўлиб ишлаган даврда ҳам шунақа жонсарақ, тиниб-тинчиманган эди, дейишади. Шунинг учунми касабаси уюшмаси ва маъмурият ўртасида белгиланган маданий-оқарув тадбирлари жисмоний тарбия ва спорт, обуна, ходимларни рағбатлантириш, маъмурият ва хўжалик ишларига уланиб кетади. Биргина ўтган йили ана шу хайрли ишларга оз эмас, кўп эмас 9,5 миллион сўм сарфланибди. Ишловчилар Самарқанд, Бухоро, Ғажувон шаҳарларида, шунингдек, қадамжоларда 13 маротаба саёҳатда бўлишган бўлса, болалар эса ана шу қўтлуғ масканларга 22 маротаба қадам ранжида қилишибди. Болалар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт. Бугуннинг шиори шундай, ахир!

Хушхаво тоғолдида жойлашган сўлим болалар оромгоҳини сел олиб кетганига кўп йиллар бўлди. Лекин бу болалар ёзда оромгоҳсиз қолдирилди, дегани эмас. Санъат лицейи ва қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари қошида бинойидай «Умид» ва «Шодлик» оромгоҳлари ташкил этилди, уларда 300 нафар кичкинтойлар мириқиб хордиқ чиқардилар. Шунингдек, республика, вилоятдаги стационар оромгоҳларда 46, меҳнат-роҳат оромгоҳларида 550 нафар бола, дам олиш майдончаларида 5890 ўқувчи соғломлаштирилди. Тармоқ ходимлари ҳам 48 йўлланма билан республикамизнинг турли санаторий-профилакторийларида дам олдирилди.

Нуроталиклар Қаҳҳор Раҳмоновлар оиласини энг ибратли оилалардан бири деб билишади. Хонадон бекаси Раъно Маҳкамова болалар поликлиникаси шифокори сифатида эл-юрт хурматини қозонган, шу оилада ўсиб-вояга етган Шахло, Гулруҳ, Чарос, Шаҳноза, Доно, Холидалар олий маълумот олишиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилишмоқда. Кенжатоғ Қурбонмурод эса саноат лицейи ўқувчиси. Кўриняптики, бу масканда ҳеч ким бекорчи эмас, ҳаётда ўз ўрни, мавқеига интилмоқда. Уларни камолот сари етаклаганлар, ҳалол меҳнати билан эл-юрт олқишини олаётганлар доимо омон бўлсин.

Ялғош САРИЕВ,  
«Ишонч» муҳбири



# «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН



## ДУШАНБА, 27

### O'ZBEKISTON

6.25 Кўрсатувлар дастури.  
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Тахлилнома".  
8.45 ТВ анонс.  
8.50 "Олтин мерос".  
9.00 "Олам ва одам" дастури: "Хитой - куллулик санъати".  
9.40 "Камалак". Болалар учун кинодастур.  
10.30 ТВ анонс.  
10.35 "Одамлардан бири".  
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".  
11.00 "Ахборот".  
11.10 ТВ анонс.  
11.15 "Сичуанлик меҳрибон". Телеспектакль. 1-қисм.  
12.25 ТВ анонс.  
12.30 "Сичуанлик меҳрибон". Телеспектакль. 2-қисм.  
13.50 "Қушигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).  
14.00 "Ахборот".  
14.15 ТВ анонс.  
14.20 "Олтин мерос".  
14.30 "Иктидор". Телеуйин.  
15.15 ТВ анонс.  
15.20 "Ғаройиб бола". Бадий фильм.  
"Болалар сайёраси".  
16.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".  
17.00 "Ахборот".  
17.10 ТВ анонс.  
17.15 "Равнақ" студияси намойиш этади.  
17.30 "Олтин мерос".  
17.40 ТВ анонс.  
17.45 "Банк ва миҳоз".  
17.55 "Умр дафтари". Зулфия. 1-қисм.  
18.10 ТВ анонс.  
18.15 "Ошин". Телесериал.  
18.50 "Оқшом наволари".  
19.00 "Алло ўинчи". Телелотерея.  
19.20 Биржа ва банк хабарлари.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" (рус тилида)  
20.00 ТВ анонс.  
20.05 "Омон бўлинг!".  
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.  
21.00 "Ахборот".  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 "Ниҳол" мукофоти совриндори Адам Солиев куйлайди.  
22.00 "Ярқироқ тош сири". Телесериал премьераси (Корея)  
23.10 "Қушигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)  
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Нил - илохий дарё". Сериал. 1-қисм.  
00.10-00.15 Тунги наволар.

### YOSHLAR

13.55 Дастурнинг очилиши.  
14.00 "Давр" ҳафта ичида.  
14.30 ТВ-анонс.  
14.35 Уй вазифаси.  
14.55 SMS-тест.  
15.00 Ватанпарвар.  
16.00 Давр.  
16.10 Интерфутбол.  
17.50 Кино SMS.  
17.55 Болалар табассуми.  
18.00 Ёшлар овози.  
18.15 Шум болалар.  
18.25 Чемпион сирлари (рус тилида)  
18.45 Кино SMS.  
18.50 Мафтунингман, диёрим!  
18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Қизил худуд.  
19.55 SMS тест.  
20.00 Кунгилга йўл.  
20.20 Ракурс.  
20.35 Кино SMS.  
20.40 UzEX хабарлари.  
20.50 Эълонлар.  
21.00 "Шубҳа". Телесериал.  
21.45 ТВ-анонс.  
21.50 SMS-тест.  
21.55 Иқлим.  
22.00 Давр.  
22.35 Муסיкий лаҳза.  
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)  
22.50 "Эсмеральда". Телесериал.  
23.20 Дастурнинг ёпилиши.

### TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.  
18.30 "Пойтахт" /рус/.  
18.50 Болажонлар экран: "Эртақларнинг сеҳрли олами" /рус/.  
19.15 "Табриклаймиз, кутлаймиз".  
19.45, 21.20 "Телекурьер маркет".  
20.00 "Пойтахт".  
20.20, 21.55 "Экспресс" телегазетаси.  
20.30 "Камилла". Телесериал.  
21.00 "Саломат бўлинг". /рус/.  
21.35 "Махсус муҳбир".  
22.05 Кинонигоҳ: "Иф қалъасининг маҳбуси". 1-2-сериялар.  
00.15-00.20 "Хайрли тун, шаҳрим".

### SPORT-TV

7.00 "Бодроое утро".  
8.00 "Версия". Информационно-аналити-

1:00 «Синемания».  
1:30 «Дорожный патруль».  
1:45 НОЧНОЙ СЕАНС. Ален Делон и Мишель Серро в криминальной драме «Не будите спящего полицейского» (Франция). 1988г.  
3:20 Канал «Евроноьюс» на русском языке.  
4:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

### ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.  
9.00 Русские мультфильмы.  
9.15 Русские мультфильмы.  
9.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма». 20-я серия.  
10.00 Мультсериал «Черепашки-ниндзя». 4-я серия.  
10.30 Русские мультфильмы.  
11.00 Художественный фильм «ВАЛБС ЗОЛОТЫХ ТЕЛЬЦОВ». Россия, 1992.  
12.30 Художественный фильм «УБИЙСТВО В ВОСТОЧНОМ ЭКСПРЕССЕ». Великобритания, 1974.  
15.00 «Осторожно, модерн!» 7-я серия.  
15.30 Русские мультфильмы.  
15.45 Русские мультфильмы.  
16.00 Художественный фильм «БОЛЬШИЕ ПАРНИ». США, 1996.  
18.00 Художественный фильм «ДОСТАВКА». Нидерланды, 1999.  
19.55 Ваш здоровый позвоночник. Доктор Богданов.  
20.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 65-я серия.  
21.00 Художественный фильм «ОХОТА НА ЗВЕРЯ». Канада - Гонконг, 2003.  
23.00 Художественный фильм «КРАСНАЯ ЖАРА». США, 1988.  
1.00 Художественный фильм «ФРАНЦУЗСКИЙ БОКС». США, 1994.  
3.00 Художественный фильм «ШОУ ВЕКА». США, 2003.  
5.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 65-я серия.

### СТС

8.00 «МЕДИКИ». Многосерийный художественный фильм.  
8.40 «Баба Яга против!» Мультпликационный фильм.  
8.50 «Смешарики». Многосерийный мультпликационный фильм.  
9.00 «Веселые мелодии». Многосерийный мультпликационный фильм.  
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.  
11.00 Истории в деталях.  
11.28 Настроение с Евгением Гришковцом.  
11.30 Комедия на СТС. «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»  
12.00 Кино на СТС. «ДМБ».  
14.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Многосерийный художественный фильм.  
15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм.  
15.30 «Соник Икс». Многосерийный мультпликационный фильм.  
16.00 «Человек-паук». Многосерийный мультпликационный фильм.  
16.30 «Король Артур и рыцари без страха и упрека». Многосерийный мультпликационный фильм.  
17.00 «Годзилла». Многосерийный мультпликационный фильм. Окончание показа.  
17.30 «Звездный десант». Многосерийный мультпликационный фильм.  
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».  
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Многосерийный художественный фильм.  
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.  
20.30 Комедия на СТС. «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»  
21.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
21.30 Истории в деталях.  
21.58 Настроение с Евгением Гришковцом.  
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.  
23.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
23.30 Кино на СТС. «ЖЕСТОКИЕ ИГРЫ».  
1.30 Истории в деталях.  
1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.  
2.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
2.30 Детали.  
3.30 «33 квадратных метра. Дачные истории». Юмористическая программа.  
4.20 Кино на СТС. «И МОРЕ РАСКРОЕТ ТАЙНУ». Часть 2-я.  
5.50 «ШПИОНКА». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.

### НТВ

6:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
8:55 Детективный сериал «НЕБО И ЗЕМЛЯ»  
10:00 «СЕГОДНЯ»  
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».  
10:50 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»  
11:55 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»  
13:00 «СЕГОДНЯ»  
13:30 Сериал «СЛЕПОЙ - 2»  
14:35 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»  
15:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
16:00 «СЕГОДНЯ»  
16:25 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2»  
18:35 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
19:00 «СЕГОДНЯ»  
19:40 ПРЕМЬЕРА. Сериал «СЛЕПОЙ - 2»  
20:45 ПРЕМЬЕРА. Алексей Зубков, Ярослав Бойко, Варвара Андреева в сериале «ПРИИСК»  
22:00 «СЕГОДНЯ»  
22:45 Сериал «БАЛЬЗАКОВСКИЙ ВОЗРАСТ, ИЛИ ВСЕ МУЖИКИ - СВО...-2»  
0:45 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ». Ток-шоу Татьяна Толстой и Авдотьи Смирновой.

Евгений Попов  
1:45 Бернар Жиrado в остросюжетном фильме «ДЕЛО ВКУСА» /Франция/

3:15 Кирк Дуглас и Энтони Куинн в фильме «ЖАЖДА ЖИЗНИ» /США/  
5:15 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»

## СЕШАНБА, 28

### O'ZBEKISTON

6.25 Кўрсатувлар дастури.  
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.35 "Ахборот".  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 "Олтин мерос".  
8.50 "Олам ва одам" дастури: "Нил - илохий дарё". Сериал. 1-қисм.  
9.40 ТВ анонс.  
"Болалар сайёраси":  
9.45 "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.  
10.30 ТВ анонс.  
10.35 "Остонаси тиллодан".  
10.55 Биржа ва банк хабарлари.  
11.00 "Ахборот".  
11.10 ТВ анонс.  
11.15 "Омон бўлинг!".  
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.  
11.55 ТВ анонс.  
12.00 "Калпок". Ҳажвий кўрсатув.  
12.30 "Портретга чизгилар".  
12.45 "Ярқироқ тош сири". Телесериал.  
13.50 "Қушигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).  
14.00 "Ахборот".  
14.15 ТВ анонс.  
14.20 "Акл ва идрок".  
14.40 "Дилларга ором истаб". "Концерт".  
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)  
15.10 ТВ анонс.  
15.15 "Олтин мерос".  
15.25 "Шахсий фикр".  
16.00 ТВ анонс.  
"Болалар сайёраси":  
16.05 1. "Болалар дунёси". 2. "Эртақлар - яхшиликка етаклар".  
16.45 "Оламини поклик буркар". Манзарали фильм премьераси.  
17.00 "Ахборот".  
17.10 ТВ анонс.  
17.15 "Олтин мерос".  
17.25 "Ибн Сино издошлари".  
17.45 ТВ анонс.  
17.50 "Одамлардан бири".  
18.10 "Оқшом наволари".  
18.25 ТВ анонс.  
18.30 "Умр дафтари". Зулфия. 2-қисм.  
18.45 "Ошин". Телесериал.  
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" (рус тилида)  
20.00 ТВ анонс.  
20.05 "Омон бўлинг!".  
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.  
21.00 "Ахборот".  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 "Эрининг муносиб эгасини топиш-долзарб масала".  
22.00 "Ярқироқ тош сири". Телесериал премьераси.  
23.10 "Қушигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)  
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Нил - илохий дарё". Сериал. 2-қисм.  
00.15-00.20 Тунги наволар.

### YOSHLAR

6.25 Дастурнинг очилиши.  
6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.  
8.00 Даврининг боласи.  
8.10 Расмлар сўзлаганда.  
8.15 Шум болалар.  
8.25 Болалар табассуми.  
8.30 «Ажойиб гилам». Мультфильм.  
8.40 ТВ-анонс.  
8.45 SMS тест.  
8.50 "Эсмеральда". Телесериал.  
9.20 Жаҳон жуғрофияси.  
9.30 Ёшлар овози.  
9.45 «Шубҳа». Телесериал.  
10.30 Қизил худуд.  
10.45 Жаҳон жуғрофияси.  
10.55 ТВ-анонс.  
11.00 Давр.  
11.05 Кино SMS.  
11.10 "Баҳор қайтмайди". Видеофильм 1-қисм.  
11.50 ТВ-анонс.  
11.55 SMS тест.  
12.00 "Баҳор қайтмайди". Видеофильм 2-қисм.  
12.40 Ракурс.  
12.55 ТВ-анонс.  
13.00 Давр.  
13.10 «Шумтақалар». Болалар учун мультсериал.  
13.25 Кино SMS.  
13.30 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.  
13.55 ТВ - анонс.  
14.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.  
15.00 SMS-тест.  
15.05 "Даллас". Телесериал.  
15.50 "Ёшлар" телерадиоканали фототанлови.  
15.55 КиноSMS.  
16.00 Давр.  
16.10 SMS тест.  
16.15 Эврика.  
16.25 Даврининг боласи.  
16.35 Кино SMS.  
16.40 "Қора ўқ". Бадий фильм.  
18.05 Ёшлар овози.  
18.20 Cinema Bolliuid.  
18.35 ТВ-дорихона.  
18.45 ТВ-анонс.  
18.50 Мафтунингман, диёрим!  
18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Автопатруль.  
20.00 «JOKER» телелотереяси.  
20.10 SMS тест.  
20.15 Парламент вақти.  
20.45 Кино SMS.  
20.50 Эълонлар.  
21.00 "Шубҳа". Телесериал.  
11:20 «Сто к одному». Телеигра.  
12:15 «В поисках приключений».  
13:15 «Клуб сенаторов».  
14:00 ВЕСТИ.  
14:20 РОДНОЕ КИНО. Эммануил Виторган, Клара Лучко и Всеволод Сафонов в детективе «Ларец Марии Медичи». 1980г.  
16:00 «Татьяна Дороница».  
17:00 ВЕСТИ.  
17:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.  
18:00 «Аншлаг и Компания».  
18:40 ПРЕМЬЕРА. «Танцы со Звездами».  
19:50 «В Гордоке».  
20:00 ВЕСТИ.  
20:15 «Зеркало».  
20:30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.  
21:00 «Субботний вечер».  
22:50 МИРОВОЕ КИНО. Брюс Уиллис и Ричард Гир в триллере «Шкал» (США-Великобритания-Франция). 1997г.  
1:20 ПРЕМЬЕРА. Вин Дизель, Джон Малкович и Деннис Хоппер в остросюжетном фильме «Вышибалы» (США). 2001г.  
3:15 НОЧНОЕ СЕАНС. Грегори Пек и Роберт Митчум в фильме «Мыс страха» (США). 1962г.  
5:15 Канал «Евроныюз» на русском языке.

## ТВ-3

8.30 Мультисериял «Гарфилд». 96-я серия.  
9.00 Русские мультфильмы.  
9.15 Русские мультфильмы.  
9.30 Русские мультфильмы.  
9.45 Русские мультфильмы.  
10.00 Мультисериял «Фантастическая четверка». 19-я серия.  
10.30 Мультисериял «Невероятный Халк». 19-я серия.  
11.00 Художественный фильм «БОСОЙ РУКОВОДИТЕЛЬ». США, 1971.  
13.00 Художественный фильм «КОРОЛЬ ФУТБОЛА». США, 1997.  
15.00 Свет и тень.  
15.10 «Медицинское обозрение» с Ю.В. Беляничевой.  
15.30 Русские мультфильмы.  
15.45 Русские мультфильмы.  
16.00 Художественный фильм «БРИС ВЕЛИКОЛЕПНЫЙ». Франция, 2005.  
18.00 Художественный фильм «СРОЧНОЕ ПОГРУЖЕНИЕ». США, 1996.  
20.00 «Осторожно, модерн!» 6-я серия.  
20.30 «Осторожно, модерн!» 7-я серия.  
21.00 Художественный фильм «ЛУЧШИЕ ИЗ ЛУЧШИХ-1». США, 1989.  
23.00 Художественный фильм «ПИТОНЫ-2». США, 2001.  
1.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ». 12-я серия.  
2.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС». 22-я серия.  
3.00 Художественный фильм «КОД ДЬЯВОЛА». США, 2004.  
5.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ». 12-я серия.



## STC

8.00 «СВЯЩЕННЫЕ УЗЫ». Художественный фильм.  
9.40 «Серебряное копытце». Мультипликационный фильм.  
9.50 «Семья почемучек». Многосерийный мультипликационный фильм.  
10.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.  
10.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультипликационный фильм.  
11.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».  
11.30 «Итси-Битси паучок». Многосерийный мультипликационный фильм.  
12.00 Кино на СТС. «БИТВА ЗА ОСТРОВ СОКРОВИЩ».  
14.00 «Самый умный». Телеигра.  
16.00 «Кино в деталях» с Федором Бондарчуком. Гость студии - актриса и певица Жанна Фриске.  
17.00 «Ты - супермодель-3». Реальти-шоу. Ведущий - Александр Цекало.  
18.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.  
18.30 «Том и Джерри». Многосерийный мультипликационный фильм.  
18.45 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ. НОВЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ МЕНТОВ». Многосерийный художественный фильм. «КОНТРА-БАС».  
19.50 Кино на СТС. «БРЮС ВСЕМОГУЩИЙ».  
21.50 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
23.00 Кино на СТС. «ДАВАЙТЕ ПОТАНЦУЕМ».  
1.15 «Хорошие шутки». Шоу-программа.  
3.15 Кино на СТС. «УИМБЛДОН».  
5.00 Кино на СТС. «СОЛНЕЧНЫЙ ШТАТ».  
7.15 Музыка на СТС.



## NTV

5:55 Бриджит Фонда и Кэмпбелл Скотт в комедии «ОДИНОЧКИ» /США/  
7:35 Детское утро на НТВ. Сериал «АЛЬФ-2»  
8:00 «СЕГОДНЯ»  
8:15 «ДИКИЙ МИР» с Тимофеем Баженовым  
8:45 «БЕЗ РЕЦЕПТА». Доктор Бранд

9:25 «СМОТР»  
10:00 «СЕГОДНЯ»  
10:15 «ГЛАВНАЯ ДОРОГА»  
10:55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК». Группа «БИ-2»  
11:50 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»  
13:00 «СЕГОДНЯ»  
13:20 «ОСОБО ОПАСЕН!»  
14:05 Борис Галкин, Михай Волонтер и Анатолий Кузнецов в боевике «ОТВЕТНЫЙ ХОД»  
16:00 «СЕГОДНЯ»  
16:20 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД» Оксаны Пушкиной. Анна Вески  
16:55 «СВОЯ ИГРА»  
17:55 Остросюжетный сериал «РИЭЛТОР»  
19:00 «СЕГОДНЯ»  
19:30 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР.  
19:55 «ПРОГРАММА МАКСИМУМ». Скандалы. Интриги. Расследования.  
20:50 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6: РАЗБОЙ НА ФОНТАНКЕ», 1-ая часть  
21:55 ФИЛЬМ НЕДЕЛИ. Игорь Ливанов, Аристарх Ливанов и Марина Зудина в боевике «ТРИДЦАТОГО УНИЧОЖИТЬ»  
0:40 «МИРОВОЙ БОКС. НОЧЬ НОКАУТОВ»  
1:25 Том Ханкс и Мэг Райан в комедии «ДЖО ПРОТИВ ВУЛКАНА» /США/  
3:10 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»

4:00 Ванесса Рэдграйв в фильме Микеланджело Антониони «ФОТОУВЕЛИЧЕНИЕ» /Великобритания-Италия/

## ЯКШАНБА, 5

### О'ЗБЕКISTON

6.25 Кўрсатувлар дастури.  
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.35 "Ахборот".  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 "Олтин мерос".  
8.45 "Камалак" экранлари.  
9.35 "Саломатлик сирлари".  
10.00 "Ватанларвар".  
11.00 ТВ анонс.  
11.05 "Оханрабо".  
11.55 "Бардош". Бадий фильм. 1-қисм.  
13.15 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).  
13.25 ТВ анонс.  
13.30 "Бардош". Бадий фильм. 2-қисм.  
14.50 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.  
"Болалар сайёраси".  
15.40 1. "Олтин тож". Телеўйин. 2. "Кўёшда пишган нон". Мультифильм.  
16.25 "Дилларга ором истаб". Концерт.  
16.45 ТВ анонс.  
16.50 "Одами эрсанг".  
17.10 "Кизлар давраси".  
17.55 ТВ анонс.  
18.00 "Ғайратли йигитлар". Ҳажвий кўрсатув.  
18.30 "Интеллектуал ринг".  
19.15 "Оқшом навалари".  
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Ўзлонлар.  
19.30 "Тахлилнома" (рус тилида)  
20.05 "50X50". Ток-шоу.  
21.00 "Тахлилнома".  
21.45 "Оханларга ошuftа кўнгил".  
22.25 "КиноТеатр".  
22.45 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).  
22.55 "Қайсар кизнинг куюлиши". Бадий фильм.  
00.40-00.45 Тунги наволар.

### YOSHLAR

6.25 Дастурнинг очилиши.  
6.30 "ЯНГИ ТОНГ". Ахборот дам олиш дастури.  
8.00 ТВ - анонс.  
8.05 "Суь париси". Мультифильм 1-қисм.  
9.25 SMS тест.  
9.30 «Очқик дастурхон» хангомалари.  
9.50 Кино SMS.  
9.55 "Елгон сиртмоғи". Бадий фильм 4-қисм.  
10.30 Кинотакдим.  
10.50 "Қилин қирқ ариб". Интеллектуал

ўйин.  
11.45 Баҳор қайтади!  
12.05 SMS тест.  
12.10 Муסיкий лаҳза.  
12.15 Кино SMS.  
12.20 "Менинг отам энага". Бадий фильм.  
13.55 ТВ-анонс.  
14.00 "ЯНГИ КУН". Ахборот дам олиш дастури.  
15.00 "Орзу дарахти". Бадий фильм.  
16.35 SMS тест.  
16.40 Болалар экранлари: Катта танаффус.  
17.00 Парламент вақти.  
17.30 Давр спорти.  
17.45 Ринг кироллари.  
18.35 Чемпион сирлари.  
18.55 Иқлим.  
19.00 "Давр" хафта ичиди.  
19.30 ТВ - анонс.  
19.35 Кино SMS.  
19.40 Антика.  
20.10 Оқшом кўнгироклари.  
20.15 SMS тест.  
20.20 Ўзлонлар.  
20.25 "Сугур кун". Бадий фильм.  
22.05 Ёшлик навалари.  
22.25 Кино SMS.  
22.30 "Ёшлар" телеканалида премьерара: "Севинч". Бадий фильм.  
0.00 Дастурнинг ёпилиши.

## TOSHKENT

"8.00-13.00" гача. Информацион муסיкий дастур.  
18.20 Кўрсатувлар тартиби.  
18.30 Болалар экранлари: "Миттивойлар мактаби".  
18.55 "Тв плюс".  
19.15 "Табриклаймиз, кутлаймиз".  
19.45, 21.00 "Телекурьер маркет".  
20.00 "Максус мухбир".  
20.20, 21.15 "Экспресс" телегазетаси.  
20.30 "Бахтли бўлинг". /рус/.  
21.25 Киноингоҳ: "Елгизлар ётоқхона билан таъминланади".  
22.45-22.50 Хайри тун. шахрим!

## SPORT-TV

7.30 "Хабарлар".  
7.50 "Бодро удро".  
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)  
9.10 Мультифильм.  
9.30 "Талисман". Сериал.  
10.10 "Непутевые заметки".  
10.30 "Пока все дома".  
11.20 "Кувнок стартлар".  
12.00 "Ракибингиз гроссмейстер".  
12.20 "Ринг".  
12.50-13.45 "Дув-дув гап". Ток-шоу.  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Болалар спорти".  
18.25 Мультифильм.  
18.30 "Версия". Информационно-аналитическая программа.  
19.00 "Спорт уик-энд". Дам олиш дастури.  
19.40 "Тайм-аут".  
20.00 "Вести".  
21.00 "Нокаут".  
21.30 "Талкин". Информационно-таҳлилий кўрсатув.  
22.00 Концертная программа.  
23.00 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".  
00.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## ПЕРВЫЙ

6.00 Новости  
6.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа  
6.30 Ирина Мирошниченко, Александр Беляевский в фильме «Их знали только в лицо»  
8:20 Армейский магазин  
8:50 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»  
9:20 «Умницы и умники»  
10:00 Новости  
10:10 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым  
10:30 Пока все дома  
11:20 «Веселые картинки» с Юрием Гальцевым и Геннадием Ветровым  
12:00 Новости (с субтитрами)  
12:10 Живой мир. «Супермамы»  
13:20 «Последний сталинский нарком». Документальный фильм  
13:50 Елена Сафонова, Сергей Жигунов в мелодраме «Принцесса на бобах»  
16:00 Премьера. Эдвард Радзинский. «Смерть Сталина: последняя загадка»  
18:00 Времяна  
18:50 «Николай Караченцов. Возвращение»  
19:50 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным. Праздничный выпуск  
21:00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа  
21:45 Премьера. «Спецназ города Ангелов» Фильм (2003 год)  
23:50 Бокс. Бой сильнейших профессионалов мира. Григорий Дрозд - Павел Мелкомян  
0:20 Суперчеловек. «Жить без боли»  
1:20 Бэт Дэвис, Мерилин Монро в фильме «Все о Еве»  
4:00 Фильм

## РОССИЯ

6:00 «Доброе утро, Россия!».  
7:20 «Сельский час».  
7:45 «Бинго миллион». Результаты розыгрыша.  
8:00 ВЕСТИ.  
8:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.  
8:20 «Диалоги о животных».  
8:55 Олег Видов и Людмила Савельева в фильме «Всадник без головы». 1973г.  
10:30 «Утренняя почта».  
11:00 ВЕСТИ.  
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.  
11:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.  
11:55 «Сам себе режиссер».  
12:45 «Смехопанорама».  
13:15 «Парламентский час».  
14:00 ВЕСТИ.  
14:20 «Фитиль № 76». Сатирический тележурнал.  
15:05 «Разбитое сердце. Евгений Евстигнеев».  
16:05 ПРЕМЬЕРА. «Кулагин». Детективный

сериал.  
17:05 ПРЕМЬЕРА. «Аншлаг и Компания».  
19:00 «Танцы со Звездами». Результаты голосования. Финал.  
20:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».  
21:00 «Специальный корреспондент».  
21:25 СДЕЛАНО В РОССИИ. Николай Караченцов, Чулпан Хаматова, Дмитрий Певцов, Юрий Беляев и Дмитрий Марьянов в остросюжетном фильме «Львиная доля». 2001г.  
23:35 Жан-Клод Ван Дамм в боевике Питера Хайамса «Внезапная смерть» (США). 1995г.  
1:45 ПРЕМЬЕРА. Остросюжетный фильм «Король улиц» (США). 2002г.  
3:50 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Детектив «Прочная сеть-2» (США).

## ТВ-3

8.30 Жизнь, полная радости.  
9.00 Русские мультфильмы.  
9.15 Русские мультфильмы.  
9.30 Русские мультфильмы.  
9.45 Русские мультфильмы.  
10.00 Мультисериял «Фантастическая четверка». 20-я серия.  
10.30 Мультисериял «Невероятный Халк». 20-я серия.  
11.00 Художественный фильм «МЕТКИЙ БРОСОК». США - Канада, 2000.  
12.45 Художественный фильм «РЕАЛЬНАЯ ЛЮБОВЬ». США - Великобритания, 2003.  
15.30 «Курьер». 14-я серия.  
16.00 Художественный фильм «БИТВА ЗА БУДУЩЕЕ». США, 2000.  
18.00 Художественный фильм «ЛУЧШИЕ ИЗ ЛУЧШИХ-1». США, 1989.  
20.00 «Осторожно, модерн!» 8-я серия.  
20.30 «Осторожно, модерн!» 9-я серия.  
21.00 Художественный фильм «ШУБ-БАБА ЛЮБА». Россия, 2000.  
22.45 Художественный фильм «РИКОШЕТ». Россия, 1997.  
1.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ». 13-я серия.  
2.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС». 1-я серия.  
3.00 Художественный фильм «ПИТОНЫ-2». США, 2001.  
5.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ». 13-я серия.

## STC

8.00 «ДЕВОЧКА С МАРСА». Художественный фильм.  
9.35 «Тажная сказка». Мультипликационный фильм.  
9.50 «Семья почемучек». Многосерийный мультипликационный фильм.  
10.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.  
10.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультипликационный фильм.  
11.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».  
11.30 «Том и Джерри». Многосерийный мультипликационный фильм.  
11.50 Кино на СТС. «ДАВАЙТЕ ПОТАНЦУЕМ».  
14.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Швыдкой.  
16.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа с элементами реальности-шоу.  
17.00 Фильмы производства ВВС. «Страх». Часть 1-я.  
18.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.  
18.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм. (Повтор серий от 26 февраля - 3 марта).  
23.00 Кино на СТС. «ЗНАКИ».  
1.15 «6 кадров». Юмористическое скетч-шоу.  
1.45 Кино на СТС. «ОТЗВУКИ ЭХА».  
3.45 Кино на СТС. «АРЛИНА И КИМБЕРЛИ». Части 1-я и 2-я.  
6.45 Фильмы производства ВВС. «Демоническая обезьяна».

## NTV

5:55 Билли Кристал в комедии «ЗАБЫТЬ ПАРИЖ» /США/  
7:30 Детское утро на НТВ. «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»  
8:00 «СЕГОДНЯ»  
8:15 Детективный сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТ И ЕГО СОБАКА» /Канада/  
8:40 «ИХ НРАВЫ»  
9:20 «ЕДИМ ДОМА!»  
10:00 «СЕГОДНЯ»  
10:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»  
10:50 «ТОР ГЕАР». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.  
11:30 «ЦЕНА УДАЧИ»  
12:20 «РАСТИТЕЛЬНОЕ ЖИЗНЬ». Программа Павла Лобкова. Владимир Долгинский  
13:00 «СЕГОДНЯ»  
13:25 «СТИХИЯ». Программа Ивана Усаева  
14:00 Леонид Куравлев, Лариса Удовиченко и Георгий Вицин в комедии Леонида Гайдая «ОПАСНО ДЛЯ ЖИЗНИ!»  
16:00 «СЕГОДНЯ»  
16:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ». Программа Кирилла Набутова.  
16:55 «СВОЯ ИГРА»  
17:55 Остросюжетный сериал «РИЭЛТОР»  
19:00 «СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА» с Кириллом Поздняковым  
19:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».  
20:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»  
20:50 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6: РАЗБОЙ НА ФОНТАНКЕ», 2-я часть  
22:00 «ВОСКРЕСНИЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ» 23:30 ПРЕМЬЕРА. Сериал «ЗОНА»  
1:25 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»  
2:05 Дэниел Куэйд в фильме «РАДИО-ВОЛНА» /США/  
4:00 Джек Леммон и Ли Ремик в фильме «ДНИ ВИА И РОЗ» /США/

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

**Хадемай баҳор келади. Кишнинг муаммосини киш чиқайтганда айтиш шартмиди, дерсиз. Аслида бу доимий дарддир. Фақат иссиқ кунларда унинг таъсири унчалик сезилмайди. Ҳозирданоқ қатъият билан жиддий иш олиб борилса, келгуси қишда балки қийинчиликларга такрор дуч келмасмидик.**

Бу йил киш нисбатан қаттиқ келди. Табиийки, газ етишмовчилиги сезилди-қолди. Нега бундай бўлди? Баъзилар мавжуд аҳволнинг сабабини аҳоли сони ўсишига, янги уй-жойлар қурилишига, уларга газ тармоқлари уланиши оқибатида босим (миқдори) етмай қолаётганига боғлайдилар. Бу ҳақиқий вазиятдан хабарсиз кишиларнинг асоссиз, тахминий мулоҳазаларидир. Аслида гап бошқа томонда.

Давлатимизнинг аҳолига меъёрий турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган сиёсати туфайли ҳукуватимиз ижтимоий объектларни, хонадонларни қишда талаб даражасида иситиш чораларини кўрмоқда. Шунга кўра истеъмол қилинган қарздорлик мавжуд бўлишига қарамай, киш фаслида белгиланган миқдорда газ етказиб берилаяпти. Лекин ундан ноқонуний, ҳатто ўғринча фойдаланувчилар касрига ёнилги мўлжалланган манзилларга етиб бормаётир. Ҳукуватимизнинг ҳалқимиз манфаатини кўзлаб қабул қилган қарорлари ва берган кўрсатмаларига мувофиқ кишки мавсумда улгуржи истеъмолчиларга, яъни кичик корхоналарга, иссиқхоналарга газ бериш тўхтатилади. Худудий газ таъминот корхоналари томонидан улар расман, яъни ёзма равишда огоҳлантирилади. Бироқ айрим фуқаролар, тадбиркорлар гирром йўл тутишдан ўзларини тийиша олмаяпти. Самарқанд шах-

ри атрофида кўплаб иссиқхоналар бор. Улар тармоғи қанчалик қулоқ отганини ноябр-апрел ойлари оралиғида Самарқанддан Тошкентга лимон, бодринг, помидор, кўкатлар ортган "Дамас"ларнинг серқат-

гектаргача етади. Мутахассисларнинг эътирофича, 0,10 гектарли иссиқхонага сарфланган газ миқдори 30-35 та хонадонни иситишга етар экан. Самарқанд туманида бир неча ўнлаб иссиқхоналар тармоқдан узиб ташланди. Аммо бундай кескин чора қўллашнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Газ таъминот корхонаси назоратчилари фуқароларнинг ҳовлисига кириш учун етарли ваколатга эга эмас. Иссиқхоналарнинг аксарияти ҳовлиларда жойлашган. Дарвоза эса кулфлаб

сиқхона соҳиби Д.Шопўлатов ички ишлар ходими бўла туриб, гайриқонуний йўл тутганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Фақат иссиқхоналар ҳақида гапирдик. Газдан ўғринча фойдаланаётган новвойхоналар, оҳақ цехлари, бошқа тузилмалар қанча? Фойдаланилган газ тўлови бўйича қарздорлик катта. Вилоят хўжалик суди орқали Самарқанд туманидаги "Мароканд" ширкат хўжалигининг, Самарқанд қурилиш материаллари комбинатининг, "Иншоот-



# ИССИҚХОНА ЭГАСИ КИМ?

газ таъминотидаги муаммолар хусусида журналист таҳлили

новлигидан ҳам билса бўлади. Қишда ҳам дастурхонимизда янги етиштирилган ноз-неъматлар бўлгани яхши, албатта. Аммо бу аҳолининг турмушига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Мавжуд иссиқхоналарнинг асосий қисми Пастдарғом туманининг Чархин, Коммуна, Чоргут, Найман қишлоқларида, Самарқанд туманининг Туркман, Чордора ва ёндош қишлоқларида жойлашган. Чунки Самарқанд шахрига газ билан таъминлайдиган бош қувур шу худуддан ўтади.

"Самарқандгаз" худудий газ таъминот корхонаси мутасаддилари томонидан оммавий ахборот воситаларига тақдим этилган ва матбуотда эълон қилинган маълумотларга эътибор беринг. Пастдарғом туманининг Самарқанд шахрига тўташ худудида газ тармоғига ноқонуний уланган 707 та иссиқхона бор. Уларнинг майдони 0,02-0,03 гектардан бир неча

кўйилади. Бошқа жиҳати эса иссиқхона хонадонга ўтказилган газ қувурига уланади. Ҳовлига махсус рухсатсиз кириб бўлмайди. Кўчадаги асосий тармоққа уланган жойдан қувурни узиш оқибатида хонадон газсиз қолади. Бундай йўл тутиш мумкин эмас. Мана шу ўринда маҳалла оқсоқоли, ИИБ участка нозир амалий ёрдам бериши керак, албатта.

Бу муаммо, бундай вазият бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Нега йиллардан бери давом этиб келаяпти. Шунинг ўзиёқ газчилар ва қонунбузар истеъмолчилар ўртасида, эҳтимол учинчи шахслар воситасида шубҳали муносабатлар йўқмикан, деган мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Акс ҳолда расман огоҳлантирилган, тармоқдан узиб қўйилган фуқаро ўзбошимчилик билан тезда қайта уланиб олишга қандай журъат қилади? Найман маҳалласидаги 0,06 гектарли ис-

қурилиш" МЧЖнинг газ тўловидан мавжуд катта миқдордаги қарзлари ундириб берилди. "Самарқандгаз" ХГТК қарздор фуқароларга нисбатан даъво билан судларга мурожаат қилган. Қарздорликка бутунлай барҳам берилса, кўпроқ газ етказиб бериш имкони пайдо бўлиб, иссиқхона соҳиблари билан кечаётган адоғсиз курашга ҳам чек қўйилармиди? Қарс икки қўлдан. Бу дард, муаммо ҳаммамизга дахлдор ва унинг давоси ўз қўлимизда.

Энди яна бир мулоҳаза. Таққиларга қарамасдан иссиқхоналар мавжуд бўлаверади, фаолият кўрсатаверади. Чунки аҳолининг қишда уларда етиштирилган маҳсулотларга эҳтиёжи ҳамisha мавжуд. Бундан ташқари, ушбу фаолият билан шуғулланаётган оилаларнинг тирикчилиги, моддий аҳволи иссиқхоналардан олинадиган даромадга боғлиқ. Шундай экан, мазкур масаланинг ечимига бош-

қача ёндошиш керакка ўхшайди. Газда иситилишга ихтисослашган иссиқхона тизимини ёқилганинг бошқа турига мослаштириш анча харажат талаб қилади. Бу борада қандай ёрдам бериш мумкин? Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда тадбиркорларга, бундай фаолиятни бошловчиларга микрокредитлар ажратиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Агар бошқа ёқилги турига мослаш учун иситиш тизимини қайта қуриш мақсадида иссиқхона эгаларига ана шундай микрокредитлар таклиф қилинса, уларни ёқилганинг бошқа турлари билан таъминлаш бўйича сервис хизмати тизими барпо этилса, муаммонинг ечимини сари катта кадам қўйилган бўларди, назаримизда. Давлатимиз бойлиги талон-тарож қилинишига ва ҳалқ манфаати-га завоул етишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Демак, оқилона йўлни топиш қолди.

Рустам ҚУРБОНОВ,  
«Ишонч» мухбири

# ИШ ВАҚТИ ҲИСОБИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**Савол:** қонунчиликда белгиланган иш вақти тўғрисида тушунтириш берсангиз.

**Ҳодимни мунтазам равишда тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиш мумкинми ва бундай ишлар учун ҳақ тўлашнинг тартиби қандай бўлади?**

**А.ТОЖИЕВ, К.АҲМЕДОВ,**  
Қашқадарё вилояти

**Жавоб:** амалдаги меҳнат қончилиги асосан иш вақти режими дейилганда ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатининг муайян календар даври, яъни сутка, ҳафта, ой ва йил доирасидаги тақсироти тушунилади.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда (бундан кейин "корхоналарда" деб номланади) иш вақтининг режими касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи (бундан кейин "касаба уюшма қўмитаси" деб номланади) билан келишилган ҳолда тасдиқланган Ички меҳнат тартиби қоидалари (МК 174-моддаси) ва иш сменаси жадваллари билан тартибга солинади. Шу сабабли корхонанинг ҳар бир ходими бу ҳужжатлар билан имзо чеқтириб таништирилган бўлиши шарт. Чунки ходим жадвалда белгиланганидан кечикиб келса, унга ҳеч қандай интизомий жазо чораси бериб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддасига асосан ходим учун иш вақтининг нормал муддати, иш ҳафтасининг беш кунлик ёки олти кунлик бўлишидан қатъи назар, ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги зарур. Бунинг учун корхонада ходимлар иш вақтини ҳисобга олиб борувчи ходимлар, касаба уюшма қўмитаси, қолаверса, иш берувчи ходимларнинг иш вақтини доимо назорат қилиб бориши зарур.

Ҳисобга олинган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Бунда ҳисобга олинган давр бир йилдан, кун-

далик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиқ бўлмаслиги шарт. Бу, ходим ҳар куни 12 (ўн икки) соатдан ишлайди дегани эмас. Меҳнат кодексининг 128-моддасига биноан ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

Демак, ҳисобга олинган давр (ой, йилнинг чораги, йил)даги иш соатларининг нормал миқдоридан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Ходимлар учун иш вақтининг жадвалини тузиш вақтида ҳар календар йилнинг бошланишида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тавсия қилинадиган "Иш вақти ҳисоби"ни асос қилиб, ундан фойдаланмоқ зарур. (2006 йилга мўлжалланган "Иш вақти ҳисоби" илова қилинади).

Масалан, 2006 йилнинг феврал ойида беш кунлик иш ҳафтасида ишловчилар учун 160 соат қилиб белгиланган ва иш

кунлари 20 кунни ташкил қилади, олти кунлик иш ҳафтасида 160 соатни, иш кунлари эса 24 кун. Чунки беш кунликда ҳар куни саккиз соатдан ишланса, олти кунликда етти соатдан ишланади.

Меҳнат кодексининг 117, 118-моддаларига мувофиқ ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ва алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг муддати қисқартирилган. Бундай лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11-мартдаги 133-сон қарорининг 8-иловасида кўрсатилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ходимларга Меҳнат кодексининг 116-моддасига асосан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган бўлса-да, уларга меҳнатга тўланадиган ҳақ тўлиқ тўланади.

Қонунда яна бошқа ходимларга ҳам — ноғиронларга, вояга етмаганларга, ҳомиладор ва бола тарбияси билан шуғулланувчи аёлларга ҳам қисқартирилган иш вақти белгиланган. Ҳозир эса, фақат ҳафтасига қирқ соатдан ишлайдиганлар тўғрисида сўз оритамиз.

Меҳнат кодексининг 124- ва 125-моддаларига биноан ходим иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш учун жалб қилиниши мумкин. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомидан тўрт соатдан ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги зарур. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари (умумий дам олиш куни яқшанба-

дир, сменали ишлардаги ходимларнинг дам олиш куни ҳафтанинг хоҳлаган куни бўлиши мумкин) ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдоридан ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида кўрсатилган бўлиши шарт.

Тасдиқланган иш жадвалига асосан ходимнинг кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун Меҳнат кодексининг 158-моддасига асосан камида бир ярим барабар миқдорда ҳақ тўланади. Унинг аниқ миқдори жамоа шартномасида белгиланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди. Меҳнат кодексининг 1-моддасига асосан мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, шунингдек айрим фуқаролар иктиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Шундай экан, ходимларнинг иш ва дам олиш вақтини белгилашда, иш вақти учун ҳақ тўлашда қайси соҳанинг иш берувчиси бўлишидан қатъи назар меҳнат қончилиги талабларини бажаришга мажбурдирлар. Бажармаганлар амалдаги қонунлар асосида жавоб берадилар.

## Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Иш вақти ҳисоби" бўйича 2006 йилга мўлжалланган тавсияси

2006 йил учун иш вақти ҳисоби	январ	феврал	март	I-чорак	апрел	май	июн	II-чорак	I ярм	июл	август	сентябр	III-чорак	9 ойлик	октябр	ноябр	декабр	IV-чорак	II ярм	яшиллик
5 кунлик (40 соат) иш ҳафтаси	167	160	166	493	160	175	176	511	1004	168	183	160	511	1515	167	176	159	502	1013	2017
6 кунлик (48 соат) иш ҳафтаси	166	160	165	491	165	173	174	512	1003	172	180	164	516	1519	166	174	163	503	1019	2022
36 соатлик иш ҳафтаси	149	144	148	441	150	155	156	461	902	156	161	149	466	1368	149	156	148	453	919	1821
иш кунларининг сони																				
5 кунлик иш ҳафтаси	21	20	21	62	20	22	22	64	126	21	23	20	64	190	21	22	20	63	127	253
6 кунлик иш ҳафтаси	25	24	25	74	25	26	26	77	151	26	27	25	78	229	25	26	25	76	154	305

## Назм бўстонида

## ДИМ ШИМАДИ



Мен баҳорни сўрагандим,  
Келди баҳор.  
Ҳар ён гуллар очди,  
Кўёш нурун сочди.  
Тошиб оқди, жўшиб оқди  
Катта анҳор,  
Кулгим эса анҳор билан  
Мендан қочди.

Мен ёмғирни сўрагандим,  
Ёғди ёмғир.  
Деразамни чертиб ўтди  
Томчилари.  
Мен пинҳона қалбга йиққан  
Ғамим охир  
Кўз ёш бўлиб ёмғир  
Томчилади.

Мен булбулдан сўрагандим,  
Куйлаб берди  
Шўх кўшиқдан гул -  
Лолалар очдилар лаб.  
Капалакка бу куй қувонч  
Ва завқ берди,  
Бўса олди гулдан арилар  
Бол талаб.

Бироқ... бироқ у томчилар  
Кўз ёшларим,  
Чертолмади сенинг қалбинг  
Юрак торинг.  
Неки сўрсам бари келди,  
Келди лекин  
Келмадинг сен — дил тилаги —  
Менинг ёрим.

## ХОТИРЖАМЛИК ЗАМОНИ

Инсон умри қисқа, деб  
Ғам емайман, аслида.  
Борини баҳам кўриб,  
Кам, демайман аслида.  
Лекин мени ташвишга  
Солади нотинч замон.  
Гоҳ рост, гоҳ сир равишда  
Бомбалар портлар ҳамон.

Ғанимларим туғилар,  
Тухмат тўпин тўғриллар,  
Эркин нафас олсам мен,  
Ким қийноқда бўғиллар.  
Инсон умри қисқа, деб  
Нолиб қоламан шунда.  
Узоқ умр ғамин еб,  
Ўйга толаман шунда.

Тинч-тотувлик бор элда  
Хотиржамлик бор бўлар.  
Хотиржамлик бор ерда,  
Орзумандлик ёр бўлар.  
Умримиз қисқа эмас,  
Ўйлимиз узун бўлар.  
Кечмиш-кечирмишимиз

Аро минг мазмун бўлар.

Шодон инсон ҳар они,  
Бахт нашъаси елади.  
Хотиржамлик замони,  
Айтинг, қачон келади?

## КАЙТАРАР КҲН

У билмайди ҳали сўзлашни,  
Одамларни олмаган таниб.  
Қорни очса билар йиғлашни,  
Қорни тўйса қўяр жилмайиб.

Оқ йўрғаклаб оқ тилак билан,  
Қарашади эринмай унга.  
Етишсинлар, бир кун у ҳам  
Яхшиликни қайтарар кунга.

## БОБОМНИНГ ЁШИ

Бобомнинг ёшига етмоқлик,  
Илоҳий санъатдир мен учун.  
Бувимнинг ёшида кетмоқлик  
Муқаддас журъатдир мен учун.

Султондир ё мўлтон, малика,  
Кўёшдек чўғланиб ботади.  
Орзу ё ҳавас, ё калака

Бўлиб тун, кейин тонг отади.

Мен ўша оқ тонгдан умидвор,  
Ғурбатни суръатга алишмам.  
Эл аро давлатни, савлатни  
Инсоний ҳурматга алишмам.

## НОМ

Юз покиза номини  
Бир юзи йўқ булғатди.  
Баҳам кўрса номини,  
Меҳрни, мурувватни.

Ул юзи йўқ бир чўқиб  
Кўзини ўйиб олди.  
Юз покиза юзининг  
Кўзида куйик қолди...

Умида АБДУАЗИМОВА



Кизиқчи Абдулла Акбаровни нафақат Олтиариқда, қўйингки, бутун Фаргонада яхши танишади.

Ҳажвчи-ёзувчи Саид Анвар кизиқчидан эшитган хангомаларни қоғозга туширибди. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## ҒАШИМ КЕЛЯПТИ

Аёлларимиз ўз фарзандларини шунақа яхши кўришадики, ўғлини уйлаб кўйса, уни келинидан қизганишади. Қизини турмушга берса, "қайнонагарчилик" деган ҳолат келиб чиқади. Бир йигит мактабни тугатиб, институтга ўқишга кирибди. Уч-тўрт йил ўқиғач, аяси ўғлига қараб:

— Ўғлим, ўртоқларинг бирин-кетин уйланишяпти. Энди сениям уйлаб кўйсақ. Яхши кўрган қизинг борми? — деб сўрабди.

Ўғли эса:  
— Курсдошимни яхши кўраман! — жавоб берибди.

— Эсли-хушли, ақлли қизми? Бир расмини кўрсат-чи!

— Ая, расм бермаган.  
— Совчи жўнатмасдан олдин уни бир кўрганимизда яхши бўларди-да!

Ўғил эпчиллик қилиб:  
— Яқинда туғилган куним бўлади, уни таклиф қиламан, ўзингиз таниб олаверасиз, — дебди.

Ҳақиқатан ҳам севган қизи туғилган кунда иккита дугонаси билан келибди. Аяси қизиқиб:

— Яхши кўрганинг қайси бири? — деб сўраса, ўғли эрқаланиб:

— Сизнинг дидингиз яхши. Ўзингиз топинг-чи, қайси бирини яхши кўрар эканман? — дебди.

Аяси қизларнинг олдига кириб, бироз ўтириб қайтиб чиқибди ва ўғлига қараб:

— Ўртадаги қизни танлагансан, тўғрими? — деб сўрабди.

— Аяжон, топқирлигингизга гап йўқ, — дебди ўғил. — Аммо ўша қизни яхши кўришимни қаердан билдингиз?

— Кўрсам ҳозирданоқ ғашим келяпти! — дермиш онаси.

## ПУЛИ КУЙМАГАННИНГ МАШИНА МИНИШИ

Бир йигит машинасини кўчага олиб чиқиб турса, қайноғаси келиб қолибди.  
— Йўл бўлсин, почча? — сўрабди у.  
— Шаҳарга тушиб чиқмоқчиман, — жавоб берибди йигит.

— Мен ҳам бирга бориб келай.  
— Майли, чиқинг.  
— Машинани мен бошқара қолай?  
— Машина минишга ҳужжатингиз бўлмаса, йўлда назоратчилар кўп.  
— Ҳе, бир марта менин миниб-да машинангизни, — суҳбатга хотини кўшилибди. — Темир нарса бўлса, емирилиб қолмас.

Йигит ноилж рулни қайноғасига берибди. Жияни қурғур ёш эмасми, машинани учуриб кетаётганмиш-да. Пули куймаган, бунинг устига, мол аччиги — жон аччиги, поччаси "Секинроқ юринг", деган сайин тезлармиш. Шу пайт бир "Нексия" уларни қувиб ўтибди.

— Во, зўр ҳайдармикан? — жиян жилмайиб хитоб қилибди.

— Ҳа, ҳа, — йигит ғижиниб жавоб қилибди. — Ҳойнаҳой у ҳам поччасиникини ҳайдаб кетаётган бўлса керак.

## БАЛКИ...

Ҳозирги замон болаларининг топқирлигига гап йўқ-да. Бир ўқитувчи ўқувчидан сўрабди:

— Беш карра беш неча бўлади?  
— Йигирма беш, — ўқувчи дарҳол жавоб қилибди.

Ўқитувчи уни яна бир имтиҳон қилмоқчи бўлиб:

— Аниқ йигирма беш бўладими? — деб қайта сўрабди.

— Билмадим, — ўқувчи чаккасини қашлабди. — Балки улгуржи бозорда йигирма бўлар...

## МЕН ЎРГАТМАСАМ...

Эр газета ўқиб, хотин телевизор кўриб ўтиришса, ўғилчалари кириб сўраб қолибди:

— Дада, нега кўёш кундузи чиқади?  
— Билмадим, — жавоб қилибди ота газетадан бош кўтармай.

Дам ўтмай ўғил яна савол ташлабди:

— Нега юлдузлар кундузи кўринмайди?  
— Билмадим, — жавоб қилибди ота.

— Э, бемаъни саволлар билан дадангнинг бошини қотиравермагин, — хотин гапга қўшилибди.

— Э, қўявер. Билмаганларини ўғлимизга мен ўргатмасам ким ўргатади? —

дермиш билагон эр.

## КҲРДИМ

Бир акахонимизнинг тўққизта қизи бор экан. Ўғилли бўлсам исминини "Кўрдим" кўяман деб ўзига ўзи сўз берибди. Ҳарқалай ниятига етибди. Акахонимиз сўзида туриб, унга "Кўрдим" деб исм қўйибди. Йиллар ўтибди. Бир кун уларнинг уйига меҳмон келиб қолибди. Ошни энди еймиш деб туришган экан, чироқ ўчиб қолибди. Меҳмон пайтдан фойдаланиб гўштнинг каттарогини олдига тортиб, энди ейман деб турса, мезбон шам олиб келгин демоқчи бўлиб:

— Кўрдим! — деб ўғлини чақирибди.

Ўғлидан дарак бўлавермабди. Акахонимиз овозини баландлатиб яна:

— Кўрдим! — дея бақирибди.

Меҳмон бечора шошиб-пишиб:

— Ака, бақираверманг одамни шарманда қилиб, бир марта кўрдим, деганингиздаёқ гўштни жойига қўйганман!

— дермиш.

## ТАЛАБЛАРГА

## БИНОАН... ҚҲШИҚ

Халқимиз санъатни, айниқса, кўшиқни яхши кўради. Ҳар қандай инсон ўзининг ёшига қараб кўшиқларни танлаб эшитади. Масалан, ёшларимизга эстрада кўшиқлари ёқади. Урта ёшдагиларга лирик, ёши улуг отахон-онахонларимизга классик кўшиқлар манзур бўлади. Кўшиқсеварларимиз учун ажойиб кўрсатув ва эшиттиришларимиз бор. Масалан, Ўзбекистон радиосида саксонга кирган отахондан мухбир интервью олаяпти:

— Отахон, сиз эшиттиришимиз орқали қандай кўшиқ эшитишни хоҳлайсиз?

— Энди болам, "Отажон, қаранг-қаранг, энам ҳали қари эмас" деган кўшиқ бор, шуни эшиттирсанг яхши бўларди.

Саксонни уриб қўйган, аммо кўнгли ёш отахон шундай кўшиқ эшитишни истаса, қолганларга қандай кўшиқлар манзур бўлади? Демак, "Талабларга биноан" бериладиган концертнинг ҳазил

## Ҳангомалар

дастури:

Эридан калтак еган аёлларнинг талабларига биноан. "Танангда камтарин аъзо — бу қўллардир, бу қўллар".

Эрини бегона аёл билан ушлаб олган опаларимизнинг талабларига биноан, "Ёр сеникимми ё меники, жоним опам".

Йўл патрул хизмати ходимларининг талабларига биноан, "Биз томонга бир-бир қараб қўй".

Тормози ишламай қолган тракторчиларнинг талабларига биноан, "Ўзимни тўхтаётмайман".

Ота-оналари билан жанжаллашиб янги квартирага кўчиб кетаётган ёш оилаларнинг талабларига биноан, "Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан".

Кўп ухлайдиган бўйдоқларнинг талабларига биноан, "Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат".

Аччиқ қалампир еганларнинг талабларига биноан, "Сўнгги қийналган ёмон".


Шилқим йигитларнинг талабларига биноан, "Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр".

Пайшанба кун ош еган эркакларнинг талабларига биноан, "Сени бугун кўрмасам бўлмас".

Қарз бериб ололмаётган йигитларимизнинг талабларига биноан, "Кўринмайсан".

Кундошларнинг талабларига биноан, "Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасми?"...

Саид АНВАР





**Одатда ибрат ҳақида сўз кетганда, дастлаб кўз ўнгимизда устоз-мураббийлар сиймоси гавдаланади. Лекин ҳаётда шундай инсонлар ҳам борки, шоғирдлик макomini энг юқори нуктага етказиб, ўз хатти-ҳаракати, феъл-атвори билан ибрат бўлгулик даражатларга эришади.**

**Улардан бири лирик хонанда ва айнаи вақтда Тошкент давлат иқтисодийёт университети профессори Ҳожиакбар Ҳамидовдир.**



– Ҳожиакбар, ёдингизда бўлса, бундан ўн йил аввал сизнинг ҳамроҳлигингизда Фахриддин Умаров хонадонда бўлган чоғимиз нега бошдан кечирганларингизни китоб қилмайсиз, деб сўраганимда устоз шундай жавоб қилгандилар: мен хонандаман, китоб ёзгунча элга ёқадиган битта ашула яратсам, шу фойдалироқ.

Лекин маълум фурсат ўтиб, барибир ўша китоб дунёга келди. Бу қандай юз берди?

– Халқимизнинг бу улур санъаткори хузурларига шоғирд сифатида келиб, кўшиқчилик сирларини илк ўргана бошлаганимдаёқ келажак авлодларга устоз ҳақида маълумотлар қолиши керак, деган фикр ўрнашиб қолганди юрагимга. Утган йиллар давомида бу ниятимни пиштириб бордим. Устознинг барча ажойиб қираларини синчиклаб кузатдим. Ва ниҳоят, иқтидорли, нозиктаъб ёзувчимиз Набижон Боқий ҳамкорлигида ушбу ниятимни амалга ошириб, 2000 йилда Фахриддин аканинг фаолияти, сөрмахсул ижоди ва босиб ўтган машаққатли, айнаи чоғда сермазмун ҳаёт йўлларида ҳикоя қилувчи “Мени ёд эт” деб номланган китоб юзага келди ва халқимизга инъом этилди.

Бундан устоз беҳад хурсанд бўлдилар. Китоб билан танишган мухлисларимиз ҳам миннатдорчилик сўзларини изҳор этдилар. Ўзимизнинг ҳам бу камтарона меҳнатимиз маҳсулидан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, бошимиз осмонга өтди.

Лекин бу китобда тилга олинган воқеа-ҳодисалар устоз ҳаёти ва фаолиятдан кичик бир кўриниш холос. Насиб этса, ки-

миянинг олдини олиб бўлмай қолган кўринади. Ҳай майли, бир кун эслари кириб қолар. Лекин кўпроқ бошқа нарса – ўша куйларга мослаб тўқилган алмойжалмойи сўзлар (мен уни шеър дейлмайман) ташвишга солади. Кўшиқ шинавандаларига ҳурматсизликнинг энг олий намунаси бўлмиш бу ҳолга наҳотки чек қўйиш мумкин эмас?

– Юқорида сиз ишора қилган ҳолатларни миллий санъатимизга тушган доғ, яна ҳам очикроқ айтадиган бўлсак, саратон касаллиги деб биламан. Бу иллатга қарши курашда мухлисларнинг ўзи ҳам қатнашмаса, унга барҳам бериш жуда қийин. Яъни, хоҳ концертда бўлсин, хоҳ тўй-ҳашамда бўлсин, томошабинларни алдаб, сохта овоз (фонограмма) билан гўё ўзича қойиллатиб хизмат қилаётгандек тасаввурда юрган бундай “юлдуз”ларни

## УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРД

тобни янада тўлдириш ниятидаман.

– Икки кеманинг бошини тутган гарқ бўлади, деган гап бор. Сиз эса бир пайтнинг ўзида икки соҳада фаолият юритасиз. Бир томондан илм-фан билан машғул бўлиш, бир томондан, янги-янги кўшиқлар устида ишлаш, эл хизматида бўлиш оғирлик қилмайдими? Буларнинг ҳаммасига қандай вақт топасиз, қандай улғурасиз?


– Бу ҳақда мухлислар, ҳатто талабаларим ҳам кўп сўрашади. Дарҳақиқат, қайсидир соҳани мукаммал эгаллаб, давлатимиз ва халқимизга хизмат қилишнинг ўзи бир бахт. Айримларга эса, истисно сифатида бўлса керак, бир неча соҳаларда меҳнат қилиш ҳам насиб этаркан.

Менимча, киши ўзи бажарётган соҳа ёки касбини дилдан севиб, меҳр билан шуғулланса, у чарчоқ нималигини билмайди. Аксинча, бу чарчоқ унга лаззат бахш этиши мумкин. Илм-фан, китоб мутлоаси, шунингдек, санъатга меҳр, қолаверса, адабиётга муҳаббат менга болалиқдан ҳамроҳ. Ҳаётда бир ишнинг бошини тутмай яшаб ўтиб кетишдан Худо асрасин.

– Фарбу Шарқ мусиқаларини очикдан-очик ўзлаштириб, саҳнани ўзиники қилиб олаётган “юлдуз”лар кўпайса-кўпаяётирки, асло камаймаяпти. Чамаси, бу эпиде-

аллақачон ерга тушириб қўядиган вақт келди.

Яна бир жихатга эътибор қилайлик. Концертда фонограммадан фойдаланилади, деб уялмай-нетмай эълон қилиш ҳам оддий ҳол бўлиб қолди. Яхши ниятлар билан ташкил этилган бадиий кенгашларнинг на роли, на таъсири сезилаётир. Балки шунинг оқибатида парвозга



етарли даражада тайёр бўлмай туриб, бу кенгашдан эсон-омон ўтиб олишмоқда. Ваҳоланки, ушбу муаммо радиода, телевидениеда, ўзаро учрашувлар ва суҳбатларда тез-тез кўтарилиб туради. Лекин ҳеч қандай натижа йўқ.

Чамаси, тобора илдири отиб бораётган бу иллатларни йўқотиш учун ҳукумат доирасида аралашув зарурга ўхшаб қол-

ди. Мисол тариқасида қуйидаги манбани келтирмоқчиман. Хива хонлиги тарихида чуқур из қолдирган Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) ўзининг 47 йиллик ҳукмдорлиги даврида адабиёт, санъат, хусусан миллий санъат ривожининг беназир ҳомийси бўлган. 1882 йилда чиқарган фармонида шундай сўзлар бор эди: “Хоразм мақомлари даҳлсиздир, у халқ мулкидир. Уни бузиб ижро этган ва унга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлган ҳар қандай киши қаттиқ жазоланади”.

Қолаверса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти бундай саёз, сохта кўшиқларга туруқсиз ва куракда турмайдиган “шеър” ёзиб бераётган “шоир”ларга ўзининг жиддий муносабатини билдирадиган

бўларди), палапартиш ижро этилаётган саёз нарсалар билан фақат шармисор бўлиш мумкин. Чунки бу ҳолатлар ёшларимиз тақлид қилаётган хорижликларнинг чўнтагидан аллақачон тушиб қолган.

– Ҳунар эгаларининг энг биринчи шоғирди, айтиш мумкинки, бу уларнинг ўз фарзандлари ҳисобланишади. Сиз ҳам санъаткор сифатида ушбу анъанага тўлиқ риоя қилдим, дея оласизми?

– Фахриддин ака шуни кўп таъкидлайдиларки, ҳар қандай ижодкорнинг келажак умри унинг фарзандлари ва шоғирдлари билан белгиланади. Мен ҳам устоздан ўрганганларим асосида шу ўғитларга баҳоли қудрат риоя қилишга интиланман.

Фарзандлар масаласига келсак, умр йўлдошим Саломатхон билан биргаликда уч фарзандни (икки ўғил, бир қиз) вояга етказиб, олий маълумотли қилдик. Ва ҳозирда оилавий бахтимиздан бошимиз кўкда, саккизта неваранинг буваси-бувиси бўлиб, уларнинг тарбияси билан ҳам шуғулланиш саодатига эришиб ўтиришимиз.

Санъат соҳасида 30-35 йилларда бери созанда ҳамкасбларим Рустамжон Убайдуллаев, Искандар Мирсоатовлар билан халқимизга хизмат қилиш билан бирга айнаи вақтда Анваржон, Комилжон, Миробид, Абдуманнон, Акмалжон, Баҳодиржон, Носиржон сингари ўнлаб шоғирдларимиз устоз Фахриддин аканинг ва менинг хонишларимни, қолаверса, халқ кўшиқларини ўрганиб мухлислар ҳукмига ҳавола этиб келишаётганларидан шукрлар қиламан.

Илм-фан соҳасида эса мен илмий раҳбарлик қилаётган Файзулла Эрназаров, Қудратилла Хайитов, Усмонжон Абдурахмонов каби қатор тадқиқотчилар ўзига хос ютуқларга эришишмоқда. Режалар, орзу-умидлар ундан-да кўп.

Устознинг кўпгина кўшиқларида таъкидланганидек, инсонга бериладиган умрнинг асл мазмуни ҳаёт бизнинг зиммамизга юклаган юмушлар, эл-юртга келтирган фойдали амалларимиз, вояга етказган фарзандларимиз, шоғирдларимиз, издошларимиз билан ўз баҳосини олади. Шундай чиройли ҳолатларнинг соҳибно соҳиблари бўлишни барча санъат мухлисларига астойдил тилайман.

– Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

**Суҳбатдош:**  
**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН**

27 феврал - 5 март

**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**

**КҮЙ.** Янги ҳафта ижодкорлар учун омадли келади. Ҳафта охирида кўнглингизга яқин кишингиз билан кўнглингизни ўтказинг.

**БУЗОҚ.** Душанба кун ташвишли келади. Вақтингизни кўпроқ уй юмушларига бағишланг. Чоршанба кун анчадан бери кўришмаган яқин биродарингиз билан кўришасиз.

**ЭГИЗАКЛАР.** Душанба кун ишда дангасалигингиз тутиб, эринчоқ бўлиб қоласиз. Ҳеч қандай шартнома ва учрашувларни белгиламанг. Тадбиркорлар учун ҳафта омадли келади.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Ҳафта давомида кутилмаганда чиқим қиласиз. Фарзанд ёки яқингиз ҳақида эътиборлироқ бўлинг. Акс ҳолда улардан ажралиб қолишингиз мумкин. Фақат юракка жиддий қабул қилманг.

**АРСЛОН.** Ҳафта бошидан ишингиз бароридан келиши учун вазиятга қараб иш тутинг. Катталар билан тортишманг. Бу бефойда. Яқшанбада

ҳамма режангиз ўзгариб кетади.

**ПАЗИЗОД.** Сизни омадсизлик қийнаб келмоқда. Сиқилманг, вақтингизни кўпроқ дўстлар билан ўтказинг. Дам олиш кунни маданий ҳордиқ чиқаринг.

**ТАРОЗИ.** Душанба сиз учун шартнома ва учрашувлар кунидир. Бўшашманг, омадингизни қўлдан бой бериб қўйишингиз мумкин. Ижодкорлар учун ушбу ҳафта айниқса омадли бўлади.

**ЧАЁН.** Душанба кун сафар, шартнома ва учрашувлар кунидир. Молиявий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунни яқинларингиз билан тор-

тишиб қолишингиз мумкин.

**ЎКОТАР.** Ўз устингизда ишланг ҳамда жиддийроқ бўлинг. Чунки ҳаётда ва ишда омад сизни таъқиб қилиб келмоқда.

**ҚОВҒА.** Ушбу ҳафта оила аъзоларингиз билан дам олишни режалаштиринг. Чунки руҳан ва жисмонан анча толиққансиз. Ҳафта охирида сизга фойдали иш тақлиф қилишади.

**БАЛИҚ.** Ушбу ҳафта ишингизда жиддий ўзгариш бўлади. Ниятингизга етишасиз. Ҳамкорлар билан алоқангизни узманг. Омадингиз ўз қўлингизда.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ**

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари **Зайниддин РИХСИЕВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерларида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

E-mail: [Ishonch\\_doverie4@mail.ru](mailto:Ishonch_doverie4@mail.ru)

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-83

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди -

Тиражи: 18996

Буюртма Г— 414

Мастиломас: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.